

Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий таърифи

(фермер ва дехқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 29904 тани ташкил қилиб, шундан 26581 таси ёки 88,9 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхаттаги олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 7068 та (23,6 фоизи), саноат 5548 (18,6 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 2357 та (7,9 фоизи) ва қурилиш 1953 та (6,5 фоизи) соҳаларига тўғри келади.


2017 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қўйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	якунга нисбатан фоизда	бирлик	якунга нисбатан фоизда
Жами	29904	100,0	26581	100,0
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3088	10,3	2798	10,5
саноат	5548	18,6	4918	18,5
қурилиш	1953	6,5	1663	6,3
савдо	7068	23,6	6072	22,8
ташиш ва сақлаш	1012	3,4	908	3,4
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	2357	7,9	2067	7,8
ахборот ва алоқа	484	1,6	379	1,4
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	521	1,7	499	1,9
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	7873	26,4	7277	27,4

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 94,5 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 11,8 фоизи хусусий корхоналар, 1,0 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,1 фоизи акциядорлик жамиятлари, 32,2 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуидагида тақсимланади:

1 июль ҳолатига,
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида



2017 йил январь-июнда жами 3902 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 2325 та). Уларнинг асосий қисми Зангигита (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 12,2 фоизи), Янгийўл (10,8 фоиз), Қибрай (10,5 фоиз), Бўка (9,3 фоиз), Бекобод (7,3 фоиз), Ўртачирчик (6,2 фоиз), Қуичирчик (5,5 фоиз), Оҳангарон (5,1 фоиз), Юқоричирчик (5,1 фоиз), Бўстонлиқ (4,3 фоиз), Паркент (4,2 фоиз) ва Чиноз (3,3 фоиз) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 11,0 фоизи савдо, 15,9 фоизи саноат ва 4,5 фоизи курилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 2834 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тутатилган бўлиб, улардан 874 таси (жами фаолияти тутатилганларнинг 30,8 фоизи) ихтиёрий тутатилиш тартибини қўллаш орқали тутатилган.

2017 йил январь-июнда иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қўйидагича ифодаланади:

Умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

